

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH
(1834-1907)

2022

FEVRAL

№37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
4-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-4**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-4**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 37-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

1. Нематова Дилфуза Туланбоевна ТЕОРИИ ИЗУЧЕНИЯ УРОВНЯ БЕДНОСТИ В СОЦИОЛОГИИ	7
2. Якубов Бахтиёр Султонназирович ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ЯНГИ ЁНДОШУВЛАР МАСАЛАЛАРИГА ДОИР	10



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

ТЕОРИИ ИЗУЧЕНИЯ УРОВНЯ БЕДНОСТИ В СОЦИОЛОГИИ

Нематова Дилфуза Туланбоевна,
преподаватель Национального
Университета Узбекистана,
Телефон: +998(99) 6381176
e-mail: dilfuzanematova58@gmail.com

Анотация. В статье проанализированы проблема бедности и исследованы ряд теорий, в том числе теории Адама Смита о росте заработной платы по отношению к росту национального богатства, теории Томаса Роберта Мальтуса о законности урбанизации. Изучены взгляды Т. Хамфри Маршалла, Ф. фон Хайека по проблеме бедности.

Ключевые слова: бедность, нищета, сокращение бедности, развитие, труд, капитал.

Бедность – это одна из глобальных социальных проблем, которая объединяет ряд социологических концепций и направлений. Как разница в экономическом статусе членов бедного общества, она всегда сопровождалась социальным статусом в истории человечества. Из-за бедности люди расслоены и сегрегированы в обществе, и иногда бедность может быть стимулом для человека вести лучшую жизнь и участвовать в процессах социальной мобильности.

К 18 веку социологи и экономисты считали бедность неизбежным следствием промышленного развития. По О. Конту, в новом созидательном обществе будут предприниматели (менеджеры) и рабочий класс. В этом обществе существует строгая иерархия. Собственность находится в руках производителей, фермеров, банкиров, торговцев и является для них не правом, а обязанностью и принуждением. У них есть «необходимая социальная функция» по созданию и управлению капиталом, по созданию рабочих мест. Политическая власть принадлежит банкирам, которые получают профессиональные советы. О. Конт исходил из того, что при такой организации общество будет самосовершенствоваться и исправляться. Это жесткая, замкнутая, саморегулирующаяся система, в которой каждый элемент выполняет свою функцию, в результате чего беднейшие слои общества формируются за счет богатых, поэтому богатые поддерживают малоимущих в [1, с.80] обществе.

Адам Смит, классик политической экономии, утверждал, что заработная плата рабочих должна расти в соответствии с ростом национального богатства. Именно тот факт, что право на труд является экономически целесообразным и справедливым, позитивно изменит отношение всех работников к труду. Позитивное отношение к работе способствует росту населения страны. Теоретически он основан на том, что рост населения, в свою очередь, является ключевым фактором процветания страны и сокращения бедности [2, с. 26-27].

В 1798 году Томас Роберт Мальтус в своем труде о юридической практике формирования населения своего города объяснял противоречия общественного развития законами природы. «Если образование по известному закону прогрессии, т. е. прирост населения, будет непропорционально развитию страны, то средства существования, необходимые для роста, будут расти только арифметически, и эта разница будет из-за избыточного населения», - сказал он. Из-за большого населения и дефицита продуктов растет и бедность. В результате быстро распространяется бедность не как атрибут социальной структуры общества, а как универсальное средство человеческого существования. Однако избыточное население погибнет [2, с. 8133-8144] в первую очередь из-за эпидемий, голода и войн. Э. Реклю в своей работе «Богатство и бедность» показал разницу между бедностью и крайней нищетой. По его словам, бедняки –единственные, кто может удовлетворить свои основные



потребности. Он рассчитал минимальные средства, необходимые для поддержания физического существования. Те, кто соответствовал минимуму, считались бедными, а те, кто не соответствовал минимуму, считались богатыми. Э. Рекле считает, что для искоренения бедности необходимо поровну распределять промышленную и сельскохозяйственную продукцию[4, с.33].

По нашему мнению, бедность означает отсутствие равновесия в трудовых отношениях между собственниками и теми, кто способствует увеличению богатства собственников. Эгалитаристы называли два типа бедности. Это абсолютная и относительная бедность. Абсолютная бедность – это снижение жизненного уровня трудящихся по сравнению с предшествующим историческим периодом при увеличении доли доходов, получаемых относительно бедными землевладельцами, и уменьшении доли рабочих. В условиях современной рыночной экономики в нашей стране можно встретить как абсолютную, так и относительную бедность.

В начале XX века Т. Хамфри Маршалл и Ф. фон Хайек, подчеркивая закономерность возникновения бедности в обществе, считали, что человек должен нести личную ответственность за свое состояние, в том числе за бедность. «Бедность в стране нельзя искоренить силой, ее можно только сократить, но она должна повышать общее благосостояние населения», – сказал Айон. В общем, низкая бедность необходима на благо общества»[5, с.337].

Хотя существует ряд научных подходов к научному определению бедности, не существует научного подхода, полностью обосновывающего понятие бедности. Понятие бедности по самой своей природе постоянно менялось и всегда было предметом споров. На сегодняшний день в научной литературе существует ряд подходов к понятию бедности, а также факторов, влияющих на нее. Одним из них является понятие абсолютной, относительной и субъективной бедности.

В Европейском Союзе в 1984 г. бедность начала расти на общесоюзном уровне. В соответствии с этим подходом они разработали концепцию бедности, основанную на концепции естественного социального расслоения. По его словам, бедными считались люди, семьи и социальные группы, не имевшие материальных, культурных и социальных ресурсов и не имевшие минимально приемлемого уровня жизни[6].

Когда проблема бедности изучается с точки зрения социологии, ее необходимо изучать вместе с проблемой богатства, что противоположно. Основным потребителем труда среднего класса, бедняков и обездоленных, является помещик, класс богатых. Если эти два понятия всегда изучать параллельно, то можно будет определить сущность и сущность проблемы. В свою очередь, изучение природы проблемы является первым шагом в решении проблемы.

С точки зрения экономики бедность и богатство легко различимы по номинальному и стоимостному критериям. Здесь социальная часть совместима с экономической частью. Чем больше у человека доходов, тем выше и шире возможности увеличить свое положение и богатство. Однако следует отметить, что в определенной степени бедность и богатство относительны. Существуют определенные формы этой относительности [7, с. 254].

Понятие бедности и богатства – общеизвестное понятие, признаки и пределы которого четко определены законами государства, общества и религии. Потребительские ориентации и стремления разных людей и социальных групп, их взгляды на качество жизни различны. Одни недовольны тем, что их доходы и возможности не выше, чем у других, другие довольны относительно низкими доходами и возможностями. Для одних необходимо не быть бедным, иметь престиж или богатство, для других это ничего не значит, не быть бедным – это не условие и не символ изобилия.

В заключение можно сказать, что проблема бедности в истории человечества является социальным явлением, которое всегда волновало государство и общество. В современном мире расширено научное понятие бедности и разработаны различные подходы.

Усилия по сокращению бедности проводились почти во всех странах мира и продолжают по сей день. Хотя в мире существуют глобальные проблемы, бедность также является второстепенным следствием этих глобальных проблем. Примеры включают ухудшение экосистемы из-за глобального изменения климата, распространение различных заболеваний, возникновение условий пандемии, различные проявления войны, а также то, что



люди остаются в изгнании или вынуждены покинуть родину.

Недостаточно подходить к проблеме бедности только с помощью экономических и политических наук. Для изучения причин, природы и природы бедности необходимо подойти к ней с точки зрения социологии. Именно наука социология может полностью определить бедность как явление в результате системного, структурного и функционального подходов к обществу. Именно наука социология может научно и теоретически обосновать тот факт, что бедность есть социальное явление.

Использованная литература:

1. Конт О. Дух позитивной философии: Слово о положительном мышлении. Пер. с фр. Изд. 2-е. М.: Книжный дом «Либроком», 2011. – С.80.
2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016. – С.26-27.
3. Pullen J. M. Malthus, Thomas Robert. The New Palgrave Dictionary of Economics. Macmillan Publishers Ltd.L.: Palgrave Macmillan.UK, 2018. – P. 8133—8144.
4. Реклю Э. Богатство и нищета.- М.- 1906. – С. 33.
5. Thomas Humphrey Marshall. General survey of changes in social stratification in the twentieth century», в кн.: «Transaction of the third world congress of sociology», v. 3, L., 1956, p. 1–18; Хайек Ф Судьбы либерализма в XX веке. М.: ИРИСЭН, Мысль; Челябинск: Социум, 2009. – С.337.
6. Ravallion M. Poverty Comparisons: A Guide to Concepts and Methods, LSMS Working Papers, Vol. 88, Washington, D.C, World Bank, 1993.
7. Дорин А.В. Экономическая социология: Учебное пособие.- М.: ИП «Экоперспектива».- 1997. – С . 254.



ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СИЁСИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА ЯНГИ ЁНДОШУВЛАР МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Якубов Бахтиёр Султонназирович

Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

Телефон: +998 (90) 982 20 90

byakubov@mail.ru

Аннотация: Тараққиётнинг ҳозирги босқичида дунёнинг аксарият мамлакатларида ўз миллий манфаатларига тўлароқ жавоб берадиган замонавий бошқарувни жорий қилиш йўлида уринишлар бўлмоқда. Бу борада қатор янги давлат бошқаруви моделлари илгари сурилаётганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида илгари сурилаётган бир қатор ғоялар ушбу жиҳатдан алоҳида қизиқиш уйғотиб, дунё ҳамжамиятида алоҳида эътибор қозонмоқда.

Калит сўзлар: Замонавий давлат бошқаруви, давлат бошқаруви моделлари, “Янги давлат менежменти”, “Корпоративистик бошқарув”, “Мақбул бошқарув”, пандемия, давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари

Бугунги кунга келиб жаҳоннинг кўплаб давлатлари дунёда шаклланаётган янги глобал шароитларда ўз барқарор тараққиёт йўллариини белгилаб олишга, шунга мос модернизацион моделларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратмоқдалар.

Ушбу жараёнларни ўзида акс эттирган, умуминсоний тенденциялар ва устиворликларни белгилайдиган халқаро ҳужжатлар қабул қилина бошланганлиги ҳам мазкур масаланинг долзарблигидан далолат беради.

Хусусан, жаҳон давлатларининг яқин ўн йилликлардаги барқарор тараққиёти асосларини ўзида мужассам этган БМТнинг «Биз истаётган келажак» [1], «2030 йилгача бўлган даврда барқарор тараққиёт соҳасига оид кун тартиби» [2] каби ҳужжатлари бунга мисол бўла олади.

Албатта, ушбу масалалар дунё давлатлари каби Ўзбекистон учун ҳам жуда долзарб масалалардан ҳисобланади.

2016 йилдан бошлаб амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида давлат ва жамият бошқарувини янгилаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаётганлиги бежиз эмас.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам [3], Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида ҳам [4] давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш йўналишида бошқарув тизимида парламент мақеини янада кўтариш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш, сиёсий партиялар ролини ошириш масалалари устувор вазибалар даражасига чиқарилган.

Айнан шу ёндашувларга асосланган қарашларни ижро ҳокимиятини янгилаш йўналишида белгилаб олинган вазибаларда ҳам кўриш мумкин. Булар иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини камайтириш, давлат ва хусусий сектор муносабатларини янги даражага, яъни ўзаро фойдали ҳамкорлар муносабати даражасига олиб чиқиш, давлат бошқарувида “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш кабиларда ўз аксини топади.

Қолаверса давлат ҳокимиятига функционал ёндошувларни моҳиятан ўзгартирган “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойили [5] асосида бошқарув тизими фаолиятини ташкил қилиниши узоқ ўн йилликлар давомида ҳокимият тизимининг моҳиятига сингиб кетган инсонни давлатнинг бир мурувати сифатида қарашдан мутлақо воз кечилаётгани, аксинча айнан инсонни эндиликда олий кадрият даражасига кўтариб, давлат органларини эса бутун вертикали билан инсон манфаатига хизмат қилишга йўналтирилаётганидан далолат беради.

Албатта, стратегиядан ўрин олган номарказлаштириш, ёки иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш каби қарашлар давлатнинг ролини инкор қилиш сифатида тушунилмаслиги лозим. Аксинча, айнан давлат бошланган иқтисодий ислохотларни самарали амалга оширилиши, муваффақиятли боришини таъминлашда алоҳида ўрин тутди. Айниқса, ислохотлар йўлида қутилмаган, “форс-мажор” ҳолатларда самарали бошқаришга қодир бўлган давлатнинг роли ниҳоятда муҳимлиги маълум. Хусусан, коронавирус эпидемияси туфайли юз берган пандемия шароитида айнан салоҳиятли давлатнинг қандай роль ўйнаши мумкинлиги яна бир бор аён бўлди. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мум-



кинки, стратегия доирасида илгари сурилган ғоя – фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш йўлида самарали қарорларни қабул қила олишга қодир давлатнинг мавжуд бўлиши ислохотлар самарасини белгиловчи омиллардан бири бўлиб қолади.

Умуман мамлакатда давлат ва жамият қурилишини янада такомиллаштириш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида бошланган ислохотларни ажратиб турувчи ўзига хос жиҳатларини қуйидагиларда яққол кўриш мумкин:

- ислохотларда давлат билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, амалга ошириладиган ишларни уларнинг ҳамкорлигига таянган ҳолда ҳаётга жорий қилишга интилиш. Эндиликда улар ўртасидаги муносабатлар вертикаль шаклдаги муносабатлардан, горизонтал, яъни яқин ҳамкорлик муносабатлари асосида қурилишига бўлган ҳаракатда ўз аксини топади;

- давлатнинг жамият олдида ҳисобдорлигини ошириш масаласи қўйилаётганлигини ушбу йўналишдаги ислохотларни ажратиб турувчи ўзига хос жиҳатлардан яна бири сифатида кўрсатиш мумкин. Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган давлат дастурларида “Парламент назорати тўғрисида”ги, “Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиришлар киритиш, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва бошқа масалаларнинг кун тартибига қўйилиши айнан шундан далолат беради;

- бошқарув органлари фаолиятида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилади” шиорида ўз аксини топган концептуал ўзгаришлар, мамлакат раҳбарининг халқ қабулхоналари шаклида ўз фаолиятини бошлаган мутлақо янги типдаги институтлар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, Давлат хизматлари агентлиги фаолияти ва бошқа тизимли ишлар эндиликда давлатнинг халқ билан ишлашида мутлақо янги концептуал асослар жой олаётганлигидан далолат беради;

- бошқарув органлари фаолиятида очиқликни таъминлашга бўлган тизимли қадамларнинг қўйилганлиги. “Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун нормалари билан аҳолига давлат органларидан хуқуқий ахборотни хуқуқ тўсқинликларсиз олинш имконияти белгилаб қўйилди.

Мамлакат бошқаруви тизимида демократлаштириш жараёнларининг ниҳоятда кенгая бораётганини кўрсатувчи ушбу ўзгаришлар баробарида стратегия доирасида кўзда тутилган ўзгаришлар бошқарув тизимининг тобора ривожланиб, ўзгариб бораётган замон талабларини инобатга олган ҳолда тараққий этиши, самарадорлиги ошишини кўзда тутувчи ўзгаришларни ҳам қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

Бу борада гап кетганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган ташаббусларига алоҳида эътибор қаратиб ўтиш лозим бўлади. Ушбу сессия доирасида давлатимиз раҳбарининг БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқиш борасидаги ташаббуси кўпчилик сиёсатшунос ва иқтисодчиларнинг алоҳида эътиборини тортди[6]. Бунга сабаб илгар сурилган ғояда сиёсатшуносларни кўпдан буён ўйлантириб келаётган замонавий давлат бошқарувида доир қарашларга мутлақо ўзгача ёндашув таклиф этилганлигига бориб тақалади.

XX аср охири – XXI асрнинг дастлабки ўн йилликлари жаҳонда давлат бошқарувининг оптимал моделини излаш йўналишида жиддий ҳаракатлар даври бўлди. Бу фақат ривожланган Ғарб давлатларида эмас, балки модернизация жараёнларини бошдан кечираётган Осиё давлатларида, дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам кузатилди.

Жаҳон банки қарийб чорак аср олдин, XXI аср арафасида ушбу мавзуда ўтказган тадқиқотларидан бирида давлат бошқарувини ислох қилишга бундай интилишлар замида кучли ёки аксинча, ўз таъсирини минимал даражага туширган давлат барпо этиш ётмаганлигини кўрсатиб ўтади. Чунки, ҳар иккала ёндашув шу вақтгача турли мамлакатларда амалга оширилган маъмурий ислохотларда кутилган натижа бермаган. Шунинг учун ҳам давлатларнинг бу борадаги барча саъй-ҳаракатлари самарали давлат бунёд қилишга қаратилгани тўғрисидаги муҳим хулосага келади.

Лекин бундай мақсадга эришиш борасида таклиф этилган йўللار ва воситалар бири-бирдан фарқ қилишини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Кейинги ўттиз-қирқ йилда илгари сурилган ва айримлари турли мамлакатларда тажрибадан ўтган “Давлатнинг минимал иштироки”, “Корпоративистик бошқарув”, “Янги давлат менежменти”, “Мақбул бошқарув”, “Виртуал бошқарув”, “Тармоқли бошқарув”, “Очиқ давлат бошқаруви” каби концепциялар айнан шундан далолат беради.

Ёндашувларнинг номига бирламчи назар ташлашдаёқ давлат бошқарувида ҳозирги за-



мон технологик ютуқларини кенг жорий этишга интилишни сезиш қийин эмас.

Уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак. “Давлатнинг минимал иштироки” ёки “Тармоқли бошқарув” ёндашувлари давлатнинг жамиятни бошқаришдаги иштирокини камайтириш йўлидан боришни маъқул кўради. Масалан, “Тармоқли бошқарув” тарафдорларининг фикрича, давлат мавжуд бошқарув тизимидаги акторлардан бири бўлиши керак, холос. Бошқача айтганда, давлат бошқарувининг алоҳида, мустақил роли инкор этилади. Натижада давлатнинг халқ олдидаги жавобгарлиги сусайибгина қолмай, айти пайтда мустақил давлатчилигини ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатлар глобаллашув шароитида янада кучсизланишига сабаб бўлади.

“Очиқ давлат бошқаруви” каби ёндашувлар эса жамият олдида ҳисобдорликка эришишни мақсад қилади. 2011 йили АҚШ, Бразилия, Буюк Британия, Мексика, Филиппин, Норвегия, Индонезия ва ЖАР янги халқаро ташкилот – Очиқ давлатлар ҳамкорлиги уюшмаси тузилганини эълон қилган, ташкилот олдида аъзо давлатларнинг ўз фуқаролари олдидаги ҳисобдорлигини янада оширишга эришиш вазифаси қўйилган эди. Лекин ушбу концепцияда аҳолини ўйлантирган ижтимоий масалаларни ҳал қилишда давлатнинг ўрни тўғрисидаги масалалар очиқ қолган.

Кейинги ўн йилликларда айниқса машҳур бўлаётган ва кўплаб мамлакатлар бошқарув тизимларига таъсир қилаётган моделлар сифатида “Янги давлат менежменти” (New Public Management ёки қисқача NPM) [7] ва “Мақбул бошқарув” (Good Governance) [8;9;10] ни алоҳида тилга олиш мумкин. Биринчи концепция 1990-йилларда илмий доираларга киритила бошлаган бўлса-да, унинг асосида турган ёндашувлар ўтган асрнинг 80-йилларидан Ғарб мамлакатларининг аксариятида кузатила бошлаган эди.

Н. Мэннинг ва Н. Парисон Ғарбнинг ўн тўртта давлатида NPM бўйича амалга оширилган ўзгаришларни таҳлил қилган. Мазкур моделга таянган мамлакатлар давлат харажатларининг камайишига эришиш, давлатнинг ривожланиб бориши учун зарур асосларни яратиш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилашга эришишни мақсад қилади. Шу мақсадларда давлат бошқарувида тежамкорлик, ҳаракатчанлик ва самарадорликка эришиш бирламчи вазифалар сифатида белгиланади.

Хусусий секторга хос иш услуби, яъни бозор иқтисодиёти қонуниятларини давлат бошқарувида татбиқ қилиш ғояси илгари сурилгани NPMнинг ўзига хослигини белгилайди. Яъни давлат тасарруфидаги кўплаб ресурсларни хусусий секторга ўтказиш, давлат ваколатларининг ҳам бир қисмини бозор тузилмалари ихтиёрига бериш, номарказлаштириш, давлат аппаратини қисқартириш орқали харажатларни камайтириш ва шунга ўхшаш бозор иқтисодиётида самарадорлигини исботлаган механизмларни давлат бошқарувида ҳам жорий қилиш мақсадлари кўзланади.

Давлат бошқарувида замонавий, менежериял ёндашув сифатида самарадорлик асосий ўринга қўйилар экан, бунга халақит қиладиган омиллар қаторида давлатнинг фуқаролар олдидаги бир қатор мажбуриятларидан воз кечиш ҳам назарда тутилади. Айнан ижтимоий соҳага оид мажбуриятларни соқит қилиш мазкур моделнинг кўплаб ижобий томонларига қарамасдан, қимматини туширадиган жиҳатларидан биридир. NPMда кўзга ташланадиган бу камчилик унга муқобил бўлган янги ёндашувларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

«Good Governance» тушунчаси илк бор 1992 йили Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш масалаларига бағишланган йиллик конференциясида илгари сурилган бўлса-да, алоҳида бошқарув модели сифатида 1997 йилдан ишлатила бошлаган. БМТ айнан ўша йили давлат бошқарувида далҳдор янги ривожланиш дастурини эълон қилди. Унда бошқарувда жамиятнинг имкон қадар кенгроқ қатламлари иштирокини таъминлаш, қарорларни қабул қилишда ижтимоий ҳимояланмаган қатламлар овозини ҳам эшитиш ғояси илгари сурилди. Бундай ёндашув давлат бошқарувида оид икки моделни бир-биридан фарқловчи асосий жиҳатлардан саналади.

Коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган вазият ҳар икки ёндашув - давлат бошқарувининг самарадорлигини тарғиб қилувчи “Янги давлат менежменти” модели учун ҳам, бошқарувда аҳолининг эҳтиёжманд, камбағал қатламлари фикрини инобатга олишни тарғиб қилувчи «Good Governance» модели учун ҳам ўзига хос синов бўлди. Ҳар қандай давлатдаги мавжуд бошқарув тизими фақат иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик шароитида эмас, балки мана шундай мураккаб паллаларда ҳам синовдан ўтади. Аҳолининг муайян қисми ўзига боғлиқ бўлмаган тарзда доимий иш жойидан ажралиб қолган, иқтисодий барқарорлик, қолаверса давлатларнинг ўзаро мажбуриятлари маълум даражада хавф остида турган вазиятда давлат зиммасига аниқ мажбуриятларни олиши лозимлигини бугун



даврининг ўзи кўрсатиб қўйди.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш ғоясини илгари сургани бугун жаҳонда кенг оммалашган бошқарув моделларидаги бўшлиқларни тўлдирган ва мавжуд вазиятда давлатнинг бошқарувчилик ролига, керак бўлса масъулиятига мутлақо янги ёндошув лозимлигини кўрсатиб берган қараш сифатида ўртага чиқди. Бу билан, бир томондан, давлат ҳокимиятини мутлақлаштириш, иккинчи томондан эса, бунинг акси ўлароқ давлатнинг жамият ҳаётидаги иштирокини минимал даражага туширишга интилишлардан фарқли равишда давлатнинг ўз функциясини самарали бажаришга хизмат қиладиган ёндашув таклиф этилди.

Пандемия оқибатида юзага келган вазият дунё давлатларида мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ғоясига қизиқиш уйғотганлиги табиий. Негаки, фавқулодда вазиятларда мамлакат аҳолиси ва халқаро ҳамкорлар олдида масъулиятни ҳис қилган ҳар қандай давлат бир қатор мажбуриятларни зиммасига олиши лозимлигини, ўз навбатида бошқалардан ҳам шуни кута олиши учун махсус халқаро конвенция қабул қилиниши зарурлигини англамасдан бошқа илож йўқ.

Шу ўринда Ўзбекистонда бошланган чуқур ислохотларнинг дастлабки даврдан ўз халқи олдида чуқур масъулият ҳис қиладиган давлат бошқарувини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганини эслаб ўтиш лозим.

Кейинги ўн йилликларда шаклланган сиёсий менежмент эндиликда давлатнинг фуқаролар ҳамда хорижий ҳамкорлар олдида, айниқса, фавқулодда вазиятларда, ихтиёрий мажбуриятлари бўлиши керак, деган муҳим ғоя билан бойиди. Шу маънода Ўзбекистон Президенти илгари сургани таклиф давлат бошқарувини жаҳон ҳамжамиятининг тараққиёт тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантиришга тўртки беришига, ушбу ёндашув дунё давлатлари фаолиятидаги муҳим тамойиллардан бирига айланишига шубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Будущее, которого мы хотим. Итоговый документ Конференции ООН по устойчивому развитию. — ООН, Рио-де-Жанейро, июнь 2012 г.
2. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. — ООН, Нью-Йорк, сентябрь 2015 г.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон // Электрон ресурс: <https://lex.uz/docs/3107036>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2022 йил 28 январь. ПФ-60-сон // Электрон ресурс: <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. — Т.: “Ўзбекистон”, 2-нашри. 2020.- 71 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // Электрон адрес: <https://president.uz/uz/lists/view/3851>
7. Мэннинг Н., Парисон Н. Реформа государственного управления: международный опыт. М., 2003. — С.35-37.
8. World Bank. Proceedings of the World Bank Annual Conference on Development Economics 1991. Washington, 1992.
9. UNDP. Governance for Sustainable Human Development. Jan., 1997 [Электрон ресурс]. URL: <http://gis.emro.who.int/HealthSystemObservatory/Workshops/WorkshopDocuments/Reference%20reading%20material/Literature%20on%20Governance/GOVERN~2.PDF>
10. Graham G., Amos B., Plumptre T. Principles Good Governance in 21-st Century // Policy Brief. 2003. № 15.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДҚИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000